

СОЛИҚ ҚАРЗИНИ УНДИРИШ АМАЛИЁТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАҲЛИЛИ

Ҳакимов Улуғбек Фурқат ўғли
ТДИУ мустақил изланувчиси
E-mail: security777@inbox.uz

Аннотация: Мазкур мақолада юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ қарзлари таҳлил қилинган. Солиқ қарзи бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган. Шунингдек, давлатимизда солиқ қарзларини камайтириш ва самарали ундиришни такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: Солиқ тўловчилар, солиқлар ва йиғимлар, солиқ қарзи, солиқ қарзига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари.

Abstract: In this article tax debts of legal entities and individual entrepreneurs where analyzed. Opinions of foreign and domestic scholars about tax debts were studied. In addition, suggestions and recommendations are given about reduction and improving the effective collection of tax arrears in our country.

Key words: Tax payers, taxes and fees, tax debt, a business entity with a tax debt.

Кириш

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорликни жадал қўллаб-қувватлаш билан биргаликда солиқ тизимини ҳам кенг ривожлантиришга қаратилган.

Солиқ тизими, солиқлар - давлат томонидан иқтисодий тартибга солишда энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ барча соҳалар сингари солиқ соҳасида ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Ушбу масала юзасидан олиб борилган ишлар нафақат солиқлар ва йиғимларни ундириш орқали, балки солиқ қарздорлигини камайтирган ҳолда давлат бюджетини тўлдиришга қаратилган.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев “2019 йилдаги янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилганлиги, натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди. Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ортиқча тўланган ёки солиқ органи томонидан асоссиз ундирилган солиқ тўловлари ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз ҳисоблаган ҳолда ҳисобрақамига қайтариб берилади.” – дея таъкидлади. [1]

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми айнан солиқлар ва йиғимлар ҳисобидан шаклланиши маълум. Солиқлар белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда тушиши давлат миқёсида амалга оширилаётган барча чоратадбирларнинг, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг харажат қисмини ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий салоҳиятини янада такомиллаштириш, уларга келажакда маъқул келадиган ҳамда бюджетга солиқлар ва

Йиғимлар бўйича тушумларни кўпайтириш имконини берадиган механизмни яратиш, корхоналарнинг инвестицион жозибдорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, солиқлар ва йиғимлар бўйича тушумларни оширишда унга бевосита таъсир этувчи дебитор ва кредитор қарзлари ҳисобига ҳосил бўлган солиқ қарзини қисқартириш йўллари асосланган таклифларни топиш ва улар фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий маслаҳатлар ва аниқ ечимлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Шу муносабат билан солиқлар ва йиғимларни белгиланган муддатда ҳамда тўлиқ келиб тушишини таъминлаш вазифаси муҳим аҳамиятга эгадир. Солиқларни муддатида тўланишини таъминлаш эса солиқ қарзини имкон қадар пайдо бўлишини олдини олиш ва пайдо бўлгандан сўнг уни самарали ундириш билан амалга оширилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилганлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак. Чунки, унинг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар” - деб ёзиб қўйилган. [2]

Демак, солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзларини қисқартириш ва янги қарзларни пайдо бўлишини олдини олиш ҳамда солиқлар ва йиғимларни белгиланган муддатда бюджетга келиб тушишини назорат қилиш солиқ органларининг эътибор бериладиган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Мамлакатимиз молия ва солиқ тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, шу жумладан, солиқлар ва йиғимларни ундиришнинг айрим масалалари қатор хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган.

Мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижлик олим Margherita Ebraico (2015) мамлакатда солиқлар ва йиғимларни ундирилишини ривожлантириш ва рағбатлантириш билан бир қаторда солиқ қарзи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга қатъий чоралар қўлланилишини, солиқлар ва йиғимлар ундирилиши бўйича солиқ қарзларининг камайиши ва келгусида уларнинг вужудга келишини олдини олишда ижобий самара беришини таъкидлаб ўтади. [3]

Хорижлик олим Michael Brostek (2009) эса ўз тадқиқотида солиқ қарзини ундирилишининг самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги омилларини кўрсатиб ўтади, хусусан:

- мамлакатда солиқ қарзи суммаларининг пайдо бўлишига йўл қўйишни олдини олишда солиқ юкини пасайтириш келажакда солиқ қарздорликлари камайишига олиб келади;

- муддатида тўланмаган солиқлар ва йиғимларни ундириш стратегияси фақат белгиланган давр мобайнида ўз ижобий натижасини беради. [4]

Бу борада рус тадқиқотчилари, С.Н. Алихин ва Д.А. Левачевалар (2018) ўзларининг илмий тадқиқотларида солиқ қарзини ундириш механизмнинг назарий асосларини келтириб ўтишган. Унга кўра, улар солиқ қарзини ундириш солиқ базасини кенгайтириш билан биргаликда уни солиқ тўловчидан ундириш мураккаблигини таъкидлаб, бу жараёнга алоҳида ёндашувни инобатга олган ҳолда солиқ қарзига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб ундириш механизмни ишлаб чиқиш кераклигини таъкидлашган. [5]

Бундан ташқари, И.Г. Виноходова ҳам ўзининг илмий ишида солиқ қарзларини ундиришда солиқ қарзи мавжуд хўжалик юритувчи субъектлардан

мол-мулкларини хатлаш жараёнини кўпайтириш самарали натижа беришини айтиб ўтади. [6]

Маҳаллий олимларимиздан Ш. Тошматов (2008) солиқ қарзини юзага келиш сабаблари ва уни бартараф этиш юзасидан, “Солиқ юкини юқорилиги корхоналар учун қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Бундай оқибатларга солиқ қарзларининг ошиши, хуфёна иқтисодиёт қамровларининг кенгайиши, кредиторлик қарздорликларининг ошиши кабиларни келтириш мумкин. Солиққа тортиш тизими солиқ тўлашдан қонуний ва ноқонуний қочиш имкониятларини минималлаштириши лозим” - деб таъкидлаган. [7]

Шунингдек, И. Ниязметовнинг (2008) таъкидлашича солиқ қарзи юзага келишини “ҚҚС ва мулкый солиқлар юкининг асосан саноат корхоналари зиммасига юклатилганлиги солиқ юкининг нотекис жойлашувига, саноат корхоналари солиқ юкининг нисбатан оғир бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу эса корхоналарда солиқ қарзи муаммосини тугатишга йўл бермайди. Солиқ қарзларининг катта қисми умумбелгиланган солиқлар кесимига тўғри келади. Бу эса, солиқ юкининг умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи корхоналар молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган даражада оғирлигидан далолат беради. [8]

Шу билан биргаликда, А. Фиёсов ўзининг илмий мақоласида солиқ органлари томонидан асосий ҳисобрақамга қўйилган инкассо топшириқномаси бир ой муддатда тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, солиқ қарзини ундиришни хўжалик юритувчи субъектнинг қолган барча ҳисобрақамларига қаратилишини белгилаб қўйиш тартибини жорий этиш орқали солиқ тўлашдан қочишни олди олинади.


Бунинг учун солиққа оид тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши, мавжудларига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда амалиётга жорий қилиниши солиқ тўловчиларнинг солиққа доир ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, тўлов маданиятини мустаҳкамлашда ва солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини кучайтириш орқали солиқ қарздорлигини пайдо бўлмаслигида сезиларли натижаларга эришилади деган танқидий қарашларини илгари сурган. [9]

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда илмий мушоҳада, статистик кузатиш, статистик графиклардан, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, абстракт-мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция усулларида фойдаланилди. Ушбу тадқиқот усуллари давлат бюджети даромадларини оширишда солиқ қарзларини ундириш механизмини ижобий янада ривожлантириш бўйича хулоса ва таклифларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар

Мустақиллик йилларида солиқ тизими тез суръатларда ривожланиб, ҳар қандай ривожланган мамлакат солиқ тизими билан рақобатлаша оладиган даражага эришилди десак муболаға бўлмайди. Ялпи ички маҳсулотдаги солиқ юки МДҲ ва бошқа ривожланган давлатларга нисбатан анча пастлиги (тахминан 20 фоиз оралиғида) фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўлдиришда солиқлар асосий манба бўлиб қолаётганидан ҳам билиш мумкин. 2015-2019-йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадидаги солиқ тушумларининг улуши қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин.




1-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадидаги солиқ тушумларининг улуши таҳлили (трлн.сўмда) [10]

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи солиқлар ҳисобланади. Давлат бюджетиде солиқ тушумларининг улуши 2015 йилда 75,3 фоизни, 2016 йилда 76,5 фоизни, 2017 йилда 76,7 фоизни, 2018 йилда 64,2 фоизни ва 2019 йил 69,5 фоизни ташкил қилган. 2015 йили солиқлар давлат бюджети даромадларининг 75,3 фоизини шакллантирган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 69,5 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан солиқларнинг улуши 5,8 фоизга камайган. Охириги 5 йилликда давлат бюджети даромадларидаги солиқ тушумларининг ўртача улуши 72,4 фоизга тенг.

Солиқларнинг давлат бюджети даромадидаги улушининг борган сари тушиб бориши, давлат бюджети даромадлари бошқа манбалардан тушаётган тушумлар ҳисобига тўлдириляётгани билан боғлиқдир ва бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқлар ва йиғимлар бўйича бир қатор имкониятлар, имтиёз ва енгилликлар берилмоқда. Солиқ ставкаларининг йилдан йилга пасайтирилиши ҳам шуларнинг жумласидандир.

Мисол тариқасида, микрофирма ва кичик корхона тўлайдиган ягона солиқ тўловини (2020 йилдан бошлаб амалиётга татбиқ этилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан, номи айланмадан олинандиган солиққа ўзгартирилди [11]) оладиган бўлсак, мазкур солиқ тури бўйича йиллар давомидаги ўзгаришларни 2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



2-расм. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ягона солиқ тўлови (айланмадан олинандиган солиқ) ставкалари динамикаси таҳлили [12]

2-расмдан кўриниб турибдики, йиллар давомида ягона солиқ тўлови ставкалари пасайиш тенденциясига эга. 2015 йилда ягона солиқ тўлови (айланмадан олинандиган

солиқ) ставкаси 6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016, 2017 ва 2018-йилларда ушбу ставка 5 фоиз бўлган. 2019 йилга келиб ягона солиқ тўлови ставкаси 4 фоизга туширилган.

Тобора солиқ ставкаларининг пасайтирилиб борилиши, тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ юкини пасайтирган ҳолда уларнинг солиқ қарзларини камайтириш, фаолиятини ривожлантириш, хуфёна фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтиб қонуний фаолиятларини амалга оширишларида уларга яқиндан кўмаклашиш ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганларга асосан, 2015-2019-йиллар давомида республикада солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган жами юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар сони, шунингдек улардан солиқ қарзига эга бўлган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларни сони таҳлилини қуйидаги 3-расм мисолида кўришимиз мумкин.



3-расм. Республикада фаолият юритаётган ва солиқ қарзига эга бўлган юридик шахслар ҳамда ЯТТлар сони таҳлили (минг дона) [13]

3-расм маълумотларидан кўринадики, республикада фаолият юритаётган субъектлар сони йил сайин ўсиш тенденциясига эга бўлиб турибди. 2015 йилда жами субъектлар сони 838,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 1 056,0 мингтага етди. Шунга кўра, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 217,5 мингтага ёки 20,6 фоизга ошган. Охириги 5 йилликда ўсиш суръати ўртача 5,6 фоизни ташкил этади.


Бугунги кунда бундай ўсиш суръатлари яхши натижадир, чунки бунинг оқибатида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг ишсиз қатлами янги иш ўринларига эга бўлади.

Аммо ташкил этилган корхоналарнинг ҳаммаси ҳам самарали ишляпти дея олмаймиз. Бюджет олдидаги мажбуриятини бажара олмаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам мавжуд. 2-расм маълумотларидан келиб чиқадиган бўлсак, солиқ қарзига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари сони йилдан йилга камайиб келмоқда. 2015 йилда солиқ қарзига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари сони жами субъектлар сонининг 13,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб солиқ қарзига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари сони 11,7 фоизгача камайган.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, солиқ юкининг йилдан йилга пасайтирилиши, солиқ ставкаларининг туширилиши солиқ қарзига эга бўлган солиқ тўловчиларнинг сонини камайтиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шу билан биргаликда амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, солиқ тўловчи юридик шахс субъектив ёки объектив сабабларга асосан, белгиланган муддатларда тўланиши лозим бўлган солиқлар ва йиғимларнинг тўлов суммасини тўлаб бера

олмайди. Ушбу тўланмаган сумма солиқ қонунчилигига асосан, солиқ қарзи ҳисобланиб, солиқ органлари томонидан мажбурий ундиришга қаратилади. 2015-2019-йиллар давомида республика миқёсида юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорларнинг жами солиқ қарзи суммаларни қўйидаги 4-расмда кўришимиз мумкин.



4-расм. Республикада юримик ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг жами солиқ қарзидаги улуши таҳлили (млрд.сўмда) [14]

4-расм маълумотларидан келиб чиқиб, республика бўйича жами солиқ қарзи суммаси 2015 йилда 5 492,0 млрд.сўм, 2016 йил 6 534,0 млрд.сўм, 2017 йилда 4 239,0 млрд.сўм, 2018 йилда жами солиқ қарзи суммаси 3 045,0 млрд.сўм ва 2019 йилда 2 385,0 млрд.сўмни ташкил этган. Бундан келиб чиқадики, жами солиқ қарзи суммаси пасайиш тенденциясига эга яъни 2019 йилдаги жами солиқ қарзи суммаси 2015 йилдаги жами солиқ қарзи суммасига нисбатан 3 107,0 млрд.сўмга ёки 56,6 фоизга камайганини англатади. Бундан кўриниб турибдики, солиқ органи томонидан солиқ қарзларини камайтиришда ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда. Лекин, ундирилмай қолган солиқ қарзи суммалари ҳали ҳануз ушбу мавзуда тадқиқот иши олиб бориш долзарблигини кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, жами солиқ қарзининг 2015 йилда 94,2 фоизи, 2016 йилда 94,9 фоизи, 2017 йилда 93,4 фоизи, 2018 йилда 79,3 фоизи ҳамда 2019 йилда 60,7 фоизи юримик шахсларга қолган қисми яъни 2015 йилда 5,8 фоизи, 2016 йилда 5,1 фоизи, 2017 йилда 6,6 фоизи, 2018 йилда 20,7 фоизи ҳамда 2019 йилда 39,3 фоизи яқка тартибдаги тадбиркорларга тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, кейинги йилларда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, тадбиркорлик субъектларига ўзларининг фаолиятларини олиб боришда енгиллик ва кенг имконият яратмоқда. Шунга қарамай солиқ қарзига эга бўлган солиқ тўловчиларимиз мавжуд. Чунки солиқ қарзини белгиланган муддатда ва тўлиқ ундиришни тўғри ташкил этиш мураккаб жараён ҳисобланади.

Фикримизча солиқлар ва йиғимларни муддатида ва тўлиқ ундириш самарадорлигини оширишда қўйидаги таклифлар ўз самарасини беради деб ҳисоблаймиз:

- давлатимизда амалга оширилаётган бепул (таълим олиш, даволаниши ва ҳ.к.) хизматлардан солиқ қарзига эга бўлган солиқ тўловчиларнинг фойдаланишга йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Сабаби, биз тўлаётган солиқларнинг асосий қисми шу йўналишларга сарфланади;

- солиқ қарзи ҳақида халқимизга ўзлуксиз тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш. Телевизордан, радиодан ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан, шунингдек ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда янгиликларни солиқ тўловчиларга етказишни янада жадаллаштириш;

- “Call-center” хизмати солиқ тўловчиларга нафақат солиқ маслаҳати бериши, балки солиқ қарзи мавжудлиги тўғрисида хабар бериб туришлари;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқларни кечиктирганлик учун ҳисобланадиган пеня ставкасини табақалаштириш;

- солиқ қарзига эга тадбиркорлик субъектларига нисбатан жазо чораларини янада кучайтириш;

- солиқ қарзларини ундиришда солиқ тўловчининг асосий ҳисобрақамида пул маблағи бўлмаса ёки етарли бўлмаса, ундиришни қолган иккиламчи ҳисобрақамларига сўзсиз қаратиш;

- солиқ кредити – солиқлар ва йиғимлар муддатларини кечиктириб тўлашдир. Мазкур кредит солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг молиявий аҳволдан қатъий назар берилиши лозим. Бу ҳам сунъий ҳосил бўладиган солиқ қарзларини камайтиришга ҳамда солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўловини ўз вақтида тўлаш самарадорлигини оширади. Кредит фоизи қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент “Ўзбекистон” Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015 й.

3. Margherita Ebraico. An Assessment of the Performance of the Italian Tax Debt Collection System // Taxation papers. – 2015. P-53.

4. Michael Brostek. Tax debt collection IRS needs to better manage the collection notices sent to individuals. // United States government Accountability office. - 2009. P-27.

5. Алихин С.Н., Левачева Д.А. Эволюция механизма принудительного взыскания задолженности перед бюджетом.// Налоги. – 2018 г. –С.28.

6. Виноходова И.Г. Совершенствование практики взыскания задолженности организаций по налогам и сборам. // Научное статья., 2019 г.–С.22.

7. Ш. Тошматов . Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари.-Докторлик иши. Автореферат. Т.: 2008.

8. И. Ниязметов. Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири таҳлили. Номзодлик иши. Автореферат -2008.

9. А. Ғиёсов, Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни келиб чиқиши таҳлили. / Мақола - “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал.-2019 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб сайти: <http://www.soliq.uz> маълумотлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.